



№58 (911)
2025 йил 5 август,
сешанба

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

f uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor @uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.



Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президентини Сердар Берdimухамедовнинг таклифига биноан 4 август куни БМТнинг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференциясида иштирок этиш учун амалий ташриф билан ушбу мамлакатга жўнаб кетди.

Авазада бўлиб ўтадиган конференцияда транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш ва савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш, иқтисодий трансформация, иқлим ўзгаришига ва атроф-муҳит учун хатарларга бардошлиликни ошириш, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш масалалари кўриб чиқилади.

САНГАРДАҚДА ЯНГИ ЛОЙИҲА ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ



Сурхондарё вилоятидаги мафгункор шаршараси билан оламга машҳур Сангардақ қишлоғида Австриянинг “INPUT Projektentwicklungs-GmbH” компанияси ишлаб чиққан лойиҳа асосида яна бир замонавий туристик маскан қурилиши бошланди.

Гўзал тоғлар қўйнидаги 16 гектар майдонда қал ростлайдиган лойиҳа худуднинг рельефи, табиий ландшафти ва тоғли-рекреацион имкониятларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган. У функционал ва экологик жиҳатдан мақбул ечимларни ўз ичига олади.

Президентимизнинг 2024 йил 16 декабрдаги “Сурхондарё вилоятининг тоғли-рекреацион худудларида туризм инфратузилмасини яхшилаш ҳамда замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм объектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 615 гектар майдонда бунёд этилаётган “Сангардақ” туристик маркази қурилиши учун 913 миллиард

сўмдан ортиқ маблағ сарфланиши мўлжалланмоқда.

Тажрибали мутахассислар ишлаб чиққан мастер-режага кўра, туристик марказ таркибида 21 та ресторан, кафе ва бар, 296 та савдо нуқтаси, 4 та уч юлдузли ва 2 та беш юлдузли меҳмонхона, 10 та меҳмон уйи, санаторий, маданий ҳордиқ маскани, 1,6 километр узунликдаги дор йўли, зиплайн трассаси ва пикник худудлари қурилиши режалаштирилган. Айни пайтда лойиҳаларни амалга ошириш учун танланган ер майдонлари босқичма-босқич аукцион савдоларига чиқарилмоқда, деб хабар қилади ЎЗА муҳбири Холмўмин Мамаатраймов.



ВАЗИРЛИК ВА ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Шерзод Хидоятов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси Қирғизистон Қурилиш вазирлигининг 100 йиллиги муносабати билан Қирғизистонда бўлишди.

Шерзод Хидоятов ҳамда Қирғизистон Республикаси Қурилиш, архитектура ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Нурдан Орунтаев иштирокида ўтказилган самимий мулоқотда томонларни қизиқтирган қатор масалалар муҳокама этилди.

Сана муносабати билан ташкил этилган тантанали тадбирда сўзга чиққан Шерзод Хидоятов, қирғизистонлик ҳамкасбларини табриклаб, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муштарак ва дўстона муносабатлар икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлари ҳамда эришилган келишувлар асосида изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.



Вазирликда “Ijo.gov.uz” тизимида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижросини янада мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширилаётган ишларга бағишланган гибриッド форматдаги йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вазирлик марказий аппарати, ҳудудий бошқармалар ва тизим ташкилотлари вакиллари бевосита ҳамда зоом платформаси орқали иштирок этдилар.



Таъкидланганидек, вазирликка 2025 йилнинг ярим йиллигида “Ijo.gov.uz” назорат тизими орқали жами 1 275 та топшириқ келиб тушган бўлса, уларнинг 1 120 таси ёки 88 фоизи ижроси муддатидан олдин ва ўз вақтида бажарилди. Аммо айрим ходимларнинг масъулиятсизлиги орқали муддатидан олдин топшириқлар ҳам қайд этилган. Вазирликда ижро интизомини самарали ташкил этиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш борасида кўникама ва тажрибаларини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган чора-тадбир-

лар ҳақида Ижро интизими бўлими бошлиғи Вағиф Мамедов маълумот берди.

Хусусан, ходимлар учун ўқув-семинарларини ташкил этиш, топшириқлар ижросини кунлик мониторинг ва муҳокама қилиш билан бирга, мунтазам равишда вазирлик Хайъати йиғилишларида танқидий кўриб бориш, топшириқлар ижросини таъминлашда ҳар ойлик календарь графикада белгиланган муддатларга қатъий риоя этиш, назорат тизimini кучайтириш мақсадида ишчи гуруҳлар ташкил этиш ишлари шулар жумласидандир.

“ТошуйжойЛИТИ”да давлат инвестиция дастурига киритилган объектларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 11 мартдаги “Уй-жой ҳамда бино-иншоотларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича давра суҳбати ўтказилди.

Унда “Shaharozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ ходимлари, Тошкент шаҳар прокуратураси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги масъуллари, буюртмачилар ҳамда лойиҳачилар иштирок этишди.

Мулоқотда қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари ва ресурс тежамкор ускуналардан фойдаланган ҳолда аҳоли хонадонлари, ижтимоий соҳа объектлари ва тадбиркорлик субъектларини иссиқлик энергияси билан барқарор таъминлаш, инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда биноларда энергия йўқотишларни камайтиришга қаратилган таклифлар илгари сурилди. Шунингдек, қарорга мувофиқ, иссиқлик таъминоти тизимларида икки турдаги энергия ишлаб чиқарувчи когенерация технологияларини жорий этиш лойиҳалари Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва Энергетика вазирлиги ҳамкорлигида амалга оширилиши таъкидланди.

НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Республика ишчи гуруҳи томонидан олиб борилаётган кучайтирилган назорат тадбирлари доирасида Тошкент шаҳрининг Себзор маҳалласида қоидабузарлик ҳолати аниқланди.

Хусусан, 9-қаватдаги хонадон эгаси асосий юк кўтарувчи бетон устунларини бир неча нуқтадан бузиб, уйнинг конструкциясига шикаст етказганлиги аниқланди. Бу ҳаракат бинонинг сейсмик мустаҳкамлигига жиддий ҳавф солади. Ҳолат юзасидан барча ишлар тўхтагилиб, ҳуқуқбузарга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 159-моддаси асосида 50 баравар жарима қўлланилди ҳамда 15 кун ичида аввалги ҳолатга келтириш бўйича мажбурий кўрсатмалар берилди.



Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан Урганч шаҳридаги кўп квартирали уйларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ва зилзилабардошлиги мониторинг қилинди.

Урганч шаҳри бўйича жами 623 та кўп квартирали уйларнинг зилзилабардошлик ҳолати, сейсмик талабларга риоя қилиниши бўйича визуал текширувдан ўтказилиши белгиланган бўлиб, ҳозирда ушбу ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда ва мониторинг жараёнлари “Pasportbino.uz” платформасига киритилмоқда.

Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан Хўжаобул туманида жойлашган Бобур номли маҳалла худудидаги яқка тартибдаги ичимлик суви қудуғи технологик аудитдан ўтказилди.



Ушбу аудитдан қўзланган асосий мақсад – ичимлик суви таъминоти тизимларининг техник ҳолатини баҳолаш, хавфсизлик ва самарадорлик даражасини аниқлаш ҳамда шу орқали аҳолини барқарор ва сифатли ичимлик суви билан таъминлашга эришишдан иборат.

Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясининг қурилиш-синов лабораторияси мутахассислари томонидан худуддаги қурилиш объектларида доимий равишда лаборатория синов ишлари олиб борилмоқда.



Тадбирлар доирасида темир-бетон конструкцияларининг сифати ҳамда мустаҳкамлиги замонавий лаборатория асбоб-ускуналари ёрдамида ўрганиляпти. Ўтказилаётган синовлар орқали қурилишда фойдаланилаётган материалларнинг меъерий ҳужжатларга мувофиқлиги, қурилиш ишларининг сифати ва хавфсизлик талабларига риоя этилиши назорат қилинади. Бундай назорат тадбирлари келажакда аҳоли учун мустаҳкам, хавфсиз ва сифатли бинолар барпо этилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

СУВ ТАЪМИНОТИ СОҶАСИДА

шаффофлик, назорат ва масъулият

Комилжон ШОМУРОТОВ, Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари.

Бугун юқори шиддат билан ривожланиб бораётган замонавий дунёда ичимлик сувига эҳтиёж шу даражада ортаптики, сув захираларини тўлдириб бориш имкони қолмапти. Олимларнинг фикрига кўра, агар ичимликни асраш масаласига жиддий эътибор қаратилмаса, муаммоларга ечим топилмаса, 20–25 йилдан кейин дунёдаги ҳар икки кишидан бири шу муаммога дуч келиши мумкин. Юқоридаги фактлардан келиб чиқсақ, сувдан оқилонга фойдаланиш, уни исроф қилмаслик масаласи нақадар муҳим ва жиддий эканини тушуниш қийин эмас. Инсониятнинг келажаги, яшаб қолиши бугунги авлоднинг сувга муносабатига боғлиқ бўлиб турибди.

Сув танқислиги масаласи юртимизни ҳам четлаб ўтмайпти. Ўзбекистонда 2040 йилга келиб Амударё ва Сирдарёнинг сувлари камайиши оқибатида 33 фоизгача сув танқислиги муаммоси юзага келиши тахмин қилинмоқда. Афсуски, бу узоқ муддатдан кейин келадиغان хавф эмас, бугунги кунимизда рўй беришни бошлаган жараёндир.

АСЛИДА ВАЗИЯТНИ ЎЗГАРТИРИШ КЎП ЖИХАТДАН ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА



Ўзбекистонда сув ресурсларидан оқилонга фойдаланиш бўйича қатор қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Шунингдек, муаммони бартараф этиш учун зарур чора-тадбирлар қўлланмоқда. Хусусан, 2022 йил 22 июлда "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Қонунлар, ҳужжатлар орқали сув ҳимояланган, ундан оқилонга фойдаланиш рағбатлантирилган ва таъминланган бўлишига қарамай, амалда ҳали қилиниши керак бўлган ишлар кўп.

ЖАВОБГАРЛИК

Ҳаётнинг бундан туриб амалга ошириладиган ишлар билан муаммони ечим бўлмайди. Ҳар бир фуқаро сув нақадар бебаҳо, қадрили ва тикланмас неъмат эканлигини англаши зарур. Афсуски, бу борада аҳвол яхши эмас.

Ҳаётнинг бундан туриб амалга ошириладиган ишлар билан муаммони ечим бўлмайди. Ҳар бир фуқаро сув нақадар бебаҳо, қадрили ва тикланмас неъмат эканлигини англаши зарур. Афсуски, бу борада аҳвол яхши эмас.

Сув таъминоти бўйича сифатида Ўзбекистон Республикаси қонунилари ҳимоясига олинган. Ундан оқилонга фойдаланмаслик, исроф қилиш, ифлослантириш, ноқонуний йўллар билан сув ресурсларидан фойдаланиш ва бошқа ҳолатларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунининг қатор бандларини қўлланган ҳолда жавобгарлик белгиланган. Хусусан, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жазима солишга сабаб бўлади.

Сув таъминоти тармоқларида ўзбошимчилик билан уланиш ҳамда ундан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш, ер ишлари ва бошқа ишларни бажараётганда сув тармоқларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, башарти, бу ҳол уларнинг шикастланишига сабаб бўлса ёхуд совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан, уларнинг пломбаларига қасдан шикаст етказиш, худди шунингдек, бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақса-

дида уларга ташқаридан аралаштириш – фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн беш бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жазима солишга сабаб бўлади.

Жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларидан фойдаланишни назорат қилиш йўналиши бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Январ-июнь ойи якуни бўйича Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан ҳамкорликда истеъмолчиларга етказиб берилаётган ичимлик суви сифатини ўрганиш бўйича 1027 та тахлил намунаси олинди, 257 та бюджет ташкилотлари ўрганилганда, 35

та ҳолатда ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариш хизматлари кўрсатиш ва улардан фойдаланиш қоидаларига амал қилинмаганлиги аниқланди. Булардан ташқари, 67 та МФЙда шартномавий муносабатларни йўлга қўйиш бўйича ўрганишлар ўтказилиб, инвестиция дастурлари асосида ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматлари билан янгидан қамраб олинган маҳалла ҳудудларида ҳудудий инспекция иштирокида аҳоли ва сув таъминоти ташкилотлари ўртасида 569 та шартномавий муносабатлар расмийлаштирилиши орқали 1204 нафар аҳоли тоза ичимлик суви таъминоти билан қамраб олинди.

Ҳудудий инспекция масъул ходимлари томонидан ҳудудларда, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларидан фойдаланишда жами 235 та ноқонуний ҳолатлар, жумладан, 201 таси ичимлик суви тармоғига ноқонуний уланишлар, 9 та оқова сув тармоғида ва 25 та ҳолатда ҳисоблагич кўрсаткичини ўзгартириш ёки назорат тамгаларига (пломба) шикаст етказиш ҳолатлари аниқланди. Оқибатда, қоидабузарлардан сув таъминоти ташкилотларига 333,0 миллион сўмлик қўшимча тўловлар ҳисобланди. 323 та ҳолат бўйича умумий миқдори 947,6 миллион сўмлик маъмурий жарималар қўлланилди.

Кўриб турганингиздек, сув масаласи бугун ҳар доимгидан ҳам долзарб ҳолатга келган, муаммо янада ўткирлашмоқда. Сув ҳақида эртага эмас, ҳозир, шу онда ўйлашимиз керак. Ишни ичимлик суви нархи қиммат дея нолишдан эмас, носоз жўмрагингизни тузатишдан бошланг. Зеро, фарзандлар, авлодларга биздан саҳролар эмас, ям-яшил боғлар, қуриётган далалар эмас, гурқираб турган чаманзорлар қолиши керак. Тоza сув қолиши керак!

АНИҚЛАНГАН КАМЧИЛИКЛАР тезкорлик билан ҳал этилмоқда

Муҳаммадjon ТУГАЛОВ, Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси матбуот хизмати бош мутахассиси.

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ишчи гуруҳи томонидан пойтахтимизнинг барча туманларида назорат тадбирлари ўтказилмоқда.



Хусусан, назорат тадбирлари давомида Сергели туманида қурилаётган кўп қаватли турар жой биноси қурилиш жараёнида бир қатор қоидабузарликлар аниқланди. Объектда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаётгани, ички деворларни тегиш ишлари лойиҳа талабларига зид равишда амалга оширилаётгани қайд этилди. Аниқланган қоидабузарликлар юзасидан қурилиш-монтаж ишларининг лойиҳа ҳужжатларига зид равишда бажарилган қисмлари жойида буздирилди. Объект учун масъул қурилиш ташкилоти вакилларига қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар берилди. Қурилишда аниқланган қоидабузарликлар тўғрисида бартараф этиш бўйича қўрсатма берилди.

Шунингдек, рейд тадбирлари давомида Бектемир тумани Роҳат маҳалласидаги 33-уйнинг 9-қаватидаги хонадон мулкдори бинонинг асосий юк кўтарувчи таянч деворини ўзбошимчилик билан бузган ҳолда эшик очаётгани аниқланди. Оқибатда, бинонинг зилзилабардорлик ва сейсмик барқарорлигига жиддий зарар етказилган. Ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 159-моддаси 3-қисмига асосан, хонадон мулкдорига нисбатан ЯХМнинг 50 баробари миқдорда жазима белгиланди. Шунингдек, бинога етказилган зарарни белгиланган муддат ичида бартараф этиш бўйича мажбурий кўрсатма берилди.

Шунингдек, рейд тадбирлари давомида Бектемир тумани Роҳат маҳалласидаги 33-уйнинг 9-қаватидаги хонадон мулкдори бинонинг асосий юк кўтарувчи таянч деворини ўзбошимчилик билан бузган ҳолда эшик очаётгани аниқланди. Оқибатда, бинонинг зилзилабардорлик ва сейсмик барқарорлигига жиддий зарар етказилган. Ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 159-моддаси 3-қисмига асосан, хонадон мулкдорига нисбатан ЯХМнинг 50 баробари миқдорда жазима белгиланди. Шунингдек, бинога етказилган зарарни белгиланган муддат ичида бартараф этиш бўйича мажбурий кўрсатма берилди.

Агар мазкур ҳуқуқбузарлик ҳолати мулкдор томонидан белгиланган муддатда бартараф этилмаса, туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси киритиш асосида бартараф этилиши белгиланди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, кўп қаватли бино ва иншоотларнинг юк кўтарувчи конструкцияларини (асосий ва иккиламчи таянч деворлар, тўсик деворлар, устунлар) бузиш ёки уларга зарар етказиш маъмурий ва жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Инспекция ходимлари томонидан Чилонзор туманидаги Кўтарма маҳалласида кўп қаватли уйларнинг зилзилабардорлик ҳолатини ўрганиш бўйи-



ча ҳам назорат тадбирлари ўтказилди. Тадбир давомида ҳудуддаги кўп қаватли уйлардан бирида таъмирлаш ишлари чоғида бинонинг асосий юк кўтарувчи конструкциялари ўзбошимчилик билан бузиб ташлангани аниқланди. Оқибатда, бинога зилзилабардорлик ва сейсмик барқарорлик бўйича жиддий зарар етказилган. Мутахассислар томонидан таъмирлаш ишлари дарҳол тўхтатилди. Аниқланган қонунбузарлик ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 159-моддаси 3-қисмига асосан жавобгар шахсга БХМнинг 50 баравари миқдоридан жазима белгиланди ва ҳолатни мажбурий бартараф этиш бўйича кўрсатма берилди. Агар мулкдор томонидан мазкур ҳуқуқбузарлик ҳолати мажбурий кўрсатмага мувофиқ бартараф этилмаса, бу ҳолат юзасидан туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси киритилиши белгиланди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилган таъмирлаш ишлари дарҳол тўхтатилди, яроқсиз плиталар объектдан чиқариб ташланди ҳамда ушбу плиталарни ишлаб чиқарган қорхонага нисбатан белгиланган тартибда қонуний чоралар кўрилди. Қурилиш ишларини амалга оширувчи пудратчи ташкилотга мавжуд қоидабузарликларни тўғри бартараф этиш юзасидан ёзма кўрсатмалар берилиб, объектдаги ишлар вақтинча тўхтатилди.

Яшнобод туманидаги Тўйтаба маҳалласида ўтказилган назорат тадбирида эса Истиклол кўчаси 25-уйнинг биринчи қаватида жойлашган нотурар жойнинг юк кўтарувчи асосий бетон устунлари мулкдор томонидан ўзбошимчилик билан олиб ташлангани аниқланди. Мазкур ҳолат натижасида бинога зилзилабардорлик ва сейсмик барқарорлик нуқтани назардан жиддий зарар етказилган. Ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 159-моддаси 3-қисмига асосан, фуқаро (мулкдор)га БХМнинг 50 баравари миқдоридан жазима белгиланди. Шунингдек, бинога етказилган зарарни белгиланган муддат ичида бартараф этиш бўйича мажбурий кўрсатма берилди. Агар мазкур ҳуқуқбузарлик ҳолати мулкдор томонидан белгиланган муддатда бартараф этилмаса, туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси киритилиши белгиланди.

Назорат тадбирлари давом этади.

Қорақалпоғистонлик соҳа вакиллари – Хитойда

Шарипа АБДРАЗИЕВА, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг махсус ва архив ишлари бўйича бош мутахассиси.

Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикасига бўлган эътибори ҳамда халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, аҳолини сифатли ва арзон уй-жойлар билан таъминлаб, уларга муносиб шароитлар яратиш, ёшлар бандлигини таъминлашга йўналтирилган фармон ва қарорлари минтақада кенг қўлланма ишларни амалга оширишда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бундай имкониятлардан тадбиркорларимиз қаторида хорижий инвесторлар ҳам муносиб фойдаланаётгани натижасида улар билан ҳамкорлик асосида қўлаб замонавий лойиҳалар амалга татбиқ этилапти.



Жумладан, хитойлик инвесторлар томонидан Нукус шаҳри, Амударё ва Ҳўжайли туманларида 40 та кўп қаватли турар жойни қуриш режалаштирилган бўлиб, мазкур ишларга 40 миллион АҚШ доллари, Ҳўжайли туманида "Ёшлар маркази" ҳамда болалар шифонасини қуриш учун эса 12,6 миллион АҚШ доллари миқдорига сармоа киритилиши керак. Шунга асосан, яқинда қурилиш соҳасидаги

директори Қуатбай Ҳўжайли тумани хокимининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Музаффа Абдумаликовлардан иборат делегация аъзолари Хитой Халқ Республикасида хизмат сафарида бўлиб қайтишди.

Ташриф доирасида улар Хитойнинг Пекин, Чжэнчжоу, Маньшан, Нанкин ва Шанхай шаҳарларида жойлашган йирик қурилиш ва инфраструктура лойиҳалари ривожланган "China MCC", "Metallurgical Corporation of China Limited", "China MCC-17 Group Ltd" сингаи компаниялар ҳамда йирик саноат корпорацияларининг ишлаб чиқариш фаолияти билан танишдилар. Жумладан, "Metallurgical Corporation of China Limited" компаниясининг қурилиш ва металлургия соҳасидаги илғор тажрибалари ҳамда илмий-техник салоҳияти ўрганилгани келгусида бу лойиҳаларни Оролбўйи минтақасида қурилаётган объектларда амалга ошириш имкониятини берди.

Хизмат сафари давомида қурилиш ва бунёдкорлик соҳасида тажриба алмашиб, уларни умумлаштиришга йўналтирилган ҳамкорликни янада ривожлантириш, мутахассислар маълумоти ошириш ҳамда янги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш юзасидан истиқболли келишувларга эришилди.

Равон йўллар фойдаланишга топширилди



Ғайрат БҮРИЕВ, Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Ахборот хизмати бош мутахассиси.

Сўнгги йилларда Сурхондарё вилоятида ҳам йўлсозлик соҳасидаги ислохотлар янги босқичга кўтарилди. Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан жорий йилда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ҳар бир ҳудудда камида 20 километрдан ички йўллар таъмирланди. Бу эса нафақат аҳолининг кундалик ҳаётидаги муҳим муаммоларни бартараф этишга, балки ҳудудларда иқтисодий фаолликни жонлантиришга ҳам хизмат қилмоқда.



Хусусан, йўлсозлик соҳасидаги ушбу кенг қамровли ишлар Термиз шаҳрида ҳам амалда ўз ифодасини топди. Жумладан, шаҳарнинг "Нурли келажак" МФИдаги Гулшан кўчаси,

"Жўйжангал" МФИнинг Тағор кўчаси ҳамда "Маърифат" МФИнинг Тохаристон кўчасидаги умумий 20 километр ички йўллар таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Йўлларнинг очилиш маросимида Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов, маҳаллий фаоллар, нурунийлар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Тадбирда ҳоким аҳолининг кўп йиллик талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб амалга оширилган ушбу ишлар нафақат мавжуд инфраструктурани яхшилаш, балки маҳалла фаолияти, ёшлар ҳаёти, тадбиркорлик фаолияти учун ҳам катта имкониятлар яратишини таъкидлади.

Мазкур йўлларни таъмирлаш ва янгидан барпо этиш учун давлат бюджетидан жами 60 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Бу маблағлар ўз вақтида, сифатли ва белгиланган параметрларга тўлиқ жавоб берадиган ҳолда ўзлаштирилиши, ҳокимлик ва мутасадди идоралар томонидан доимий назоратга олингани ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Келгусида ҳам вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ушбу ташаббуслар изчил давом эттирилиши, ҳар бир фуқаро учун муносиб яшаш муҳити яратирилиши шубҳасиз.

Лифтсозликда янги қодалар

Сардор ХИДИРОВ, Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасининг Самарқанд ҳудудий бошқармаси давлат инспектори.

"Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Лифтларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида", "Лифтларни техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" ҳамда "Мувофиқликни баҳолаш органларини тайинлаш (нотификация қилиш) тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" қарорлар қабул қилинди.



Эндиликда ушбу қарорлар асосида лифтларни лойиҳалаш, ўрнатил ва улардан хавфсиз фойдаланишда иқтисодий операторларнинг масъулияти ва жавобгарлигини белгилаш, бозор назорати тизимини жорий этиш ҳамда лифтлар мувофиқлигини тасдиқлаш "модуль" тизимида ўтказиш ва махсулот хавфидан келиб чиқиб, уни тизимли ва босқичли баҳолаб бориш механизми тартибга солиноқда. Шунингдек, лифтларнинг мувофиқлигини баҳолашда эскирган техник талаблардан воз кечилиб, халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган баҳолаш тизими яратилмоқда.

Шунингдек, хавфли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида лифтларга оид янги техник регламентлар ишлаб чиқилди. Лифт хавфсизлик

қурилмалари бунда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Яъни эшиклар кулфлари, тутқичлар, буферлар, ва яна бир неча электрон қисмлардан иборат хавфсизлик занжири шаклидаги электр хавфсизлик қурилмалари мавжуд бўлиб, улар шай ҳолатга келтирилган ҳолатда лифтлардан фойдаланишга рухсат берилди. Даврий техник кўриқ ўтказилганидан сўнг, лифтлар ҳолатига қараб яшил, мовий, сариқ, қизил ёрликлар билан белгиланади.

Бугунги кунда Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасининг Самарқанд ҳудудий бошқармаси мутахассислари томонидан яшил янги тартиб-қоидалар бўйича жойларда аҳолига тушунтириш ишлари олиб бориноқда.

Таъмирлаш ишлари авжида

Алишер ОҚИЛОВ, Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Ахборот хизмати мутахассиси.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида янги босқич аҳоли фаровонлигини таъминлаш, уларнинг ўз ҳаётидан мамнун бўлиб яшашларини кафолатлаш мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг пировард мақсадидир.



Бунда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасининг самарали фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг янги механизмларини жорий этиш фуқаролар турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда қурилиш архитектура коммунал хизмат кўрсатиш бўйича замонавий бозорни шакллантириш йўлида изчил саъй-ҳаракатлар рўёбга чиқарилмоқда. Утган даврда қабул қилинган бир қатор қонунлар соҳани тараққий топтиришнинг ҳуқуқий асоси бўлаётти.

Хусусан, Жиззах вилоятининг Арнасай туманида жами 81 та кўп қаватли уй-жой, 1062 та хонадон мавжуд бўлиб, уларда 3 минг 705 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги "Кўп қаватли уйларни бошқариш тўғрисида"ги ва туман ҳокимининг 2021 йил 25 декабрдаги тегишли қарори асосида кўп қаватли уйларни бошқариш бўйича замонавий уй-жой мулкдорлар ширкатлари ўрнига 1 та "Коммунал хизмат бошқаруви" МЧЖ бошқарув сервис компанияси ташкил қилиниб, бугунги кунда хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 468-сонли қарорига асосан, "Дўстлик" МФИ ҳудудида 2 та, "Ғолиблар" МФИ ҳудудида 1 та ва "Бўстон" МФИ ҳудудида 7 та, жами 10 та кўп

қаватли уй-жойлар таъмирланиши режалаштирилган. Бугунги кунда ушбу МФИларда жами 8 та кўп қаватли уйларнинг том қисми тўлиқ алмаштирилиб, 19 та кириш йўлаклари ва 8 та фасад қисмларида тўлиқ таъмирлаш ишлари тугатилиб, 2 та кўп қаватли уй-жойларда таъмирлаш ишлари жадваллик билан олиб борилмоқда.

2025 йилги "Обод қишлоқ" дастури асосида "Зарафшон" МФИ ҳудудида жойлашган 7 та кўп қаватли уй-жойлар таъмирланиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда 7 та кўп қаватли уй-жойлар, 15 та кириш йўлаклари ва 7 та фасад қисмлари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Қўз-қил мавсумига тайёрлаш мақсадида "Коммунал хизмат бошқаруви" МЧЖ бошқарув сервис компанияси томонидан дастурдан ташқари, "Ғолиблар" ва "Бўстон" МФИ ҳудудларида жойлашган 18 та кўп қаватли уй-жойларнинг фасад қисмлари тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Бугунги кунда "Ғолиблар" МФИ Алломиш кўчасида жойлашган 10 та кўп қаватли уй-жойларнинг фасад қисми ва кириш йўлакларини таъмирлаш ишлари режалаштирилган бўлиб, айни пайтда ишлар бошлаб юборилган.

Шаҳрихонда улкан лойиҳага старт берилди



Зиё СИРОЖ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бугун Шаҳрихон туманидаги "Беш маҳалла" маҳалла фуқаролар йиғини йирик қурилиш майдонига айланган. Бу ерда аҳолини турар жой билан таъминлашга йўналтирилган лойиҳага киришилди.

10 гектар майдонда амалга оширилаётган мазкур лойиҳа орқали туман марказини ривожлантириш, аҳоли учун замонавий ва қулай шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, агломерация ҳудудларини шакллантириш кўзда тутилган. Лойиҳа 13 та лотга бўлинган бўлиб, унга қўра 40 та кўп қаватли турар жой биноси, 600 ўринли умумтаълим мактаби, 300 ўринли боғча, ёпиқ спорт мажмуаси, савдо ва кўнгилочар объектлар барпо этилади. Қиймати қарийб 200 миллиард сўмини

ташқил этувчи бу йирик лойиҳа ҳудуд инфраструктурасини тубдан яхшилайдди. Янги шаҳарча барпо этиш орқали аҳоли учун яшаш, таълим олиш, дам олиш, турли хизматлардан фойдаланиш имкониятлари янада кенгайдди.

– Бу ерда бунёд этиладиган турар жойлар уйга муҳтож фуқаролар учун жуда катта имконият яратади, – деди вилоят ҳокими Шухратбек Абдурахмонов. – Энг муҳими, бу ерда яшаш, таълим олиш, спорт билан шуғулланиш ва ишлаш учун зарур барча шароитлар мужассам бўлади. Бир сўз билан айтганда, шаҳар ичидаги шаҳарга айланади.

Мазкур ҳудуднинг афзаллик жиҳатларидан бири, туман марказига яқин жойлашгани туфайли йўл, алоқа, хизмат тармоқлари билан узвий боғланганидир. Шу боис, аҳоли ушбу янгиликни катта мамнуният билан кутиб олмақда.

– Тан олиш керак, авваллари ҳовлиларимиз кенг бўлгани билан шароитимиз йўқ эди, – деди 68 ёшли меҳнат фахрийси Абдурахмон Абдумажидов. – Замон шиддат билан ўзгариб бораётган бир пайтда яшаш

учун қулай муҳитга эҳтиёж сезилмоқда. Шунинг учун вилоят марказида барпо этилаётган турар жой мажмуаларини кўриб, ҳавас қилиб юрган эдик. Мана, энди ўзимизда ҳам шаҳарниқидан қолишмайдиган янги манзил барпо этилмоқда. Ешларимиз учун қулай уй-жой, болалар учун мактаб, боғча – ҳаммаси режада бор. Бизнинг давримизда бундай шароитни тасаввур қилишнинг ўзи мушкул эди.

Шу маҳаллада истиқомат қилувчи ёш оила соҳиб 27 ёшли Хуснияxon Ражабова эса шундай деди:

– Икки йилдан бери ижарада яшапмиз. Эрим ишчи, мен эса уйда болам билан қоламан. Биз учун шундай қулай, хавфсиз ва замонавий муҳитда яшаш озу эди. Қурилиш ишлари тугалланса, албатта, уй олиш учун ариза топшираимиз. Энди келажакка ишончимиз ортди.

Дарҳақиқат, бу каби кенг қўламли қурилиш ишлари, нафақат, ҳудуд кўриниши, балки одамлар ҳаётига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бу ерда инсон қадри, оила фаровонлиги, қўйинги, барча омилар ҳисобга олинган.

ПРИГЛАШЕНИЕ К УЧАСТИЮ
В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

Регион: Бухарская область

Сектор: Развитие сельской инфраструктуры
Закупка работИнициатор проекта: Министерство экономики и финансов
Республики УзбекистанИсточник финансирования: Исламский банк развития и
"ОПЕК" международный фонд развития
Номер заемного соглашения: UZB-1023

Название проекта: Устойчивое развитие сельской местности

1. Объединенная группа реализации проектов при Министерстве экономики и финансов, настоящим приглашает правомочных участников представить запечатанные тендерные предложения на выполнение вышеуказанных работ:

OFID-BKH-W-32 – асфальтирование и текущий ремонт основных и внутренних дорог в МСГ "Гулистонбод" и "Хавзак" Гиждуванского района Бухарской области;

OFID-BKH-W-33 – асфальтирование и текущий ремонт основных и внутренних дорог в МСГ "Заргарон" и "Тахта-хон" Гиждуванского района Бухарской области;

OFID-BKH-W-37 – реконструкция дошкольных образовательных учреждений №16 и №23 в МСГ "Кунжикальа" и "Амиробод-Гулистон" Бухарского района Бухарской области;

OFID-BKH-W-38 – ремонт и реконструкция дошкольных образовательных учреждений №1 и №2 в МСГ "Са-раён" и имени Б. Нахшбанд Каганского района Бухарской области;

OFID-BKH-W-39 – реконструкция дошкольных образовательных учреждений №10 и №30 в МСГ "Найман" и "Суфидехкон" Вобкентского района Бухарской области;

OFID-BKH-W-40 – реконструкция дошкольных образовательных учреждений №9, №10, №20 и №44 в МСГ "Мирзокул", "Пашмон", "Тезгузар" и имени Бобур Шофирканского района Бухарской области;

OFID-BKH-W-41 – реконструкция дошкольных образовательных учреждений №34, №64 и №67 в МСГ "Тажду-мак", "Лабирит" и "Жовгари" Гиждуванского района Бухарской области;

OFID-BKH-W-58 – реконструкция и капитальный ремонт зданий СВП в МСГ "Янгитурмуш", "Истикбол", "Саховат" и "Новметан" Бухарского района Бухарской области;

OFID-BKH-W-61 – реконструкция и капитальный ремонт зданий СВП в МСГ "Мирзокул", "Тезгузар" и "Пашмон" Шофирканского района Бухарской области;

OFID-BKH-W-62 – реконструкция и капитальный ремонт зданий СВП в МСГ "Гулистонбод", "Хавзак" и "Заргарон" Гиждуванского района Бухарской области;

OFID-BKH-W-63 – строительство и ремонт пешеходных дорожек, а также создание системы уличного освещения в МСГ "Янгитурмуш", "Истикбол", "Работак", "Саховат", "Талиён", "Кунжикальа", "Амиробод-Гулистон" и "Новметан" Бухарского района Бухарской области;

OFID-BKH-W-65 – строительство и ремонт пешеходных дорожек, а также создание системы уличного освещения в МСГ "Кулхатиб", "Гарибхон" и "Хажувон" Вобкентского района Бухарской области;

OFID-BKH-W-66 – строительство и ремонт пешеходных дорожек, а также создание системы уличного освещения в МСГ "Мирзокул", "Хоркаш", "Дурмон", имени Бобура, "Тезгузар", "Бобоайдар" и "Пашмон" Шофирканского района Бухарской области;

OFID-BKH-W-67 – строительство и ремонт пешеходных дорожек, а также создание системы уличного освещения в МСГ "Жовгари", "Лабирит", "Окгул", "Чагдари", "Гулистонбод", "Хавзак", "Заргарон" и "Тахтахон" Гиждуванского района Бухарской области.

2. Тендерные торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными Исламским банком в "Руководстве по закупке товаров, работ и сопутствующих услуг при финансировании проектов ИБР", опубликованном в апреле 2019 года, и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в руководстве. Кроме того, обратите внимание на пункты 1.18-21, излагающим политику ИБР в отношении конфликта интересов.

3. Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Объединенной группе реализации проектов при Министерстве экономики и финансов и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты безвозвратного взноса для покрытия расходов по распечатке и рассылке, размер которого для каждого комплекта тендерной документации по 1 пакету составляет **1 250 000 сум.** **Способ оплаты** – банковский перевод на нижеуказанный счет.

ДЛЯ ПОСТУПЛЕНИЙ
В СУМАХ:

Получатель: Объединенная группа реализации проектов при Министерстве экономики и финансов

Адрес и телефоны получателя: 100017, г. Ташкент, ул. Ниезбек йули, 1, 4-й этаж, правый блок. Тел.: (+998 71) 207-84-07.
Банк получателя: Ташкент-й фил. АКИБ "Ипотека-банк" МФО 00419

Р/с получателя в сум: 2021 0000 7052 9450 7007
ИНН, ОКОНХ получателя: ИНН: 307 829 948

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 120 дней после вскрытия конкурсных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде банковской гарантии.

Тендерные предложения должны быть доставлены в офис ОГРП по адресу:

Внимание: г-на Б. Эгамова, Директора ОГРП
Адрес: Республика Узбекистан, 100017, город Ташкент, ул. Ниезбек йули, 1, 4-й этаж, правый блок

Телефон: (998 77) 363 37 35
Электронная почта: f.abdullayev@uzrd.uz

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее **15.00 (по ташкентскому времени) 28 августа 2025 г.**, когда они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены.

Вскрытие пакетов состоится в 15.15 (по ташкентскому времени) 28 августа 2025 г. в офисе Объединенной группы реализации проектов при Министерстве экономики и финансов (4-этаж) по адресу: ул. Ниезбек йули, 1, г. Ташкент, Республика Узбекистан.

ПРИГЛАШЕНИЕ К УЧАСТИЮ
В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

Регион: Навоийская область

Сектор: Развитие сельской инфраструктуры
Закупка работИнициатор проекта: Министерство экономики и финансов
Республики УзбекистанИсточник финансирования: Исламский банк развития и
"ОПЕК" международный фонд развития.
Номер заемного соглашения: UZB-1023

Название проекта: Устойчивое развитие сельской местности

1. Объединенная группа реализации проектов при Министерстве экономики и финансов, настоящим приглашает правомочных участников представить запечатанные тендерные предложения на выполнение вышеуказанных работ:

OFID-NAV-W-29 – реконструкция систем питьевого и сточного водоснабжения в МСГ "Варк" и "Таллок" Карманинского района, включая строительство и реконструкцию водозаборных сооружений в Навоийской области;

OFID-NAV-W-31 – реконструкция и строительство объектов транспортной инфраструктуры в МСГ "Каловат", "Катта Мачит", "Уйрот" и "Келачи" Карманинского и Навбахорского районов Навоийской области, включая ремонт и строительство мостов, уличных покрытий и пешеходных переходов;

OFID-NAV-W-32 – реконструкция и капитальный ремонт дошкольно-образовательного учреждения №22 в МСГ "Азамат", №19 в МСГ "Кахрамон" и №18 в МСГ "Янгитурмуш" в Карманинском районе Навоийской области;

OFID-NAV-W-34 – капитальный ремонт и реконструкция зданий общеобразовательных школ № 42 в МСГ "Азизобод", № 18 в МСГ "Варузн" Кызылтепского района Навоийской области, включая строительство учебных и вспомогательных корпусов;

OFID-NAV-W-35 – капитальный ремонт общеобразовательной школы №16 в МСГ "Арабхона" и реконструкция общеобразовательной школы №15 в МСГ "Работ" (включая капитальный ремонт здания на 670 учебных мест и строительство дополнительного здания на 240 мест) в Кызылтепском районе Навоийской области;

OFID-NAV-W-37 – капитальный ремонт и реконструкция зданий общеобразовательных школ № 31 в МСГ "Варк", № 6 в МСГ "Каловат" и № 2 в МСГ "Дехкон" Карманинского района Навоийской области;

OFID-NAV-W-40 – капитальный ремонт и реконструкция зданий общеобразовательных школ № 10 в МСГ "Янгитурмуш" и № 4 в МСГ "Айрончи" Карманинского района Навоийской области;

OFID-NAV-W-41 – капитальный ремонт и реконструкция зданий общеобразовательных школ № 23 и № 33 в МСГ "Пахтакор" и № 22 в МСГ "Янгитурмуш" Навбахорского района Навоийской области;

OFID-NAV-W-42 реконструкция и капитальный ремонт школ №19 в СГМ "Коровултепа", №8 в СГМ "Навбахор" и №36 в СГМ "Буркют" в Навбахорском районе Навоийской области;

OFID-NAV-W-43 – реконструкция и капитальный ремонт школ №14 в МСГ "Навкар", №29 в МСГ "Чорбогузар" и №5 в МСГ "Кукрон" в Навбахорском районе Навоийской области;

OFID-NAV-W-45 – реконструкция и капитальный ремонт зданий ПМО в МСГ "Янгитурмуш", "Арабхона" и "Келачи" в Навбахорском районе Навоийской области.

2. Тендерные торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ),

установленными Исламским банком в "Руководстве по закупке товаров, работ и сопутствующих услуг при финансировании проектов ИБР", опубликованном в апреле 2019 года, и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в руководстве. Кроме того, обратите внимание на пункты 1.18-21, излагающим политику ИБР в отношении конфликта интересов.

3. Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Объединенной группе реализации проектов при Министерстве экономики и финансов и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты безвозвратного взноса для покрытия расходов по распечатке и рассылке, размер которого для каждого комплекта тендерной документации по 1 пакету составляет **1 250 000 сум.** **Способ оплаты** – банковский перевод на нижеуказанный счет.

ДЛЯ ПОСТУПЛЕНИЙ
В СУМАХ:

Получатель: Объединенная группа реализации проектов при Министерстве экономики и финансов

Адрес и телефоны получателя: 100017, г. Ташкент, ул. Ниезбек йули, 1, 4-й этаж, правый блок. Тел.: (+998 71) 207-84-07.
Банк получателя: Ташкент-й фил. АКИБ "Ипотека-банк" МФО 00419

Р/с получателя в сум: 2021 0000 7052 9450 7007
ИНН, ОКОНХ получателя: ИНН: 307 829 948

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 120 дней после вскрытия конкурсных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде банковской гарантии.

Тендерные предложения должны быть доставлены в офис ОГРП по адресу:

Внимание: г-на Б. Эгамова, Директора ОГРП
Адрес: Республика Узбекистан, 100017, город Ташкент, ул. Ниезбек йули, 1, 4-й этаж, правый блок.
Телефон: (998 77) 363 37 35.
Электронная почта: f.abdullayev@uzrd.uz

